

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРИХИДАН.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11562380>

**Ф.Ю. Шодмонов**

*Тошкент давлат аграр университети “Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ”  
кафедраси профессори, юридик фанлари доктори, .*

**Ҳ.О.Хушвақтов.**

*Тошкент давлат аграр университети “Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ”  
кафедраси доценти, (PhD).*

### **Резюме**

1946 – 70 йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва бу ҳудудларни мутухассис кадрлар билан таъминлаш масалалари ва муаммолари ёритилган. Бундан ташқари, янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳолининг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёти масалаларига доир муаммолар ҳам ўрин олган.

### **Резюме**

В данной статье освещаются архивными материалами и литературой проблемы освоения галодной степи и обеспечения специализированными кадрами сельню хозяйства 1946 – 70 годах в Узбекистане. Кроме этого в статье раскрывается сациально – эканомическая и культурная жизнь переселенного населения, а также проблемы.

### **Калит сўзлар**

Коммунистик, қўнимсизлик, партия, қўриқ, дин, атеизм, кадрлар, эскилик сарқити, матбуоат, чўл,ресурс, оқартув, ақида, миллий, менталитет, ўзлаштириш, кўчиш.

### **Опорный слова**

Коммунитическая, партия, степь, религия, атеизм, кадры, старые обряды, печать (пресс), пустына, савхоз, колхоз, пролетарский, ресурсе, национальный, менталитет, освоение, переселение.

Советларнинг маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукмронлиги даврида барча мустамлакаларда сингари Ўзбекистонда ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун синовдан ўтган мақбул объектив қонуниятлар эътиборга олинмасдан, ишлаб чиқаришнинг экстенсив усулидан кенг фойдаланилди. Жумладан, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1946 йил 2 февралда қабул қилган “Ўзбекистон

ССРда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус қарорида Ўзбекистонда пахта етиштиришни 4- беш йилликда 2,5 баравар кўпайтириш вазифаси қўйилди. Мазкур қарор асосида янги ўзлаштирилган ерларга, шу жумладан Мирзачўлга аҳолини кўчириш ҳаракати янада тезлаштирилди<sup>59</sup>. Шу мақсадда, 1940-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан вилоятлардан Мирзачўлга аҳолини “ихтиёрий-мажбурий” кўчиришга эътибор янада кучайтирилган эди. Уруш йилларида фронтда ва фронт ортида фидокорлик билан меҳнат қилган Ўзбекистон халқи зиммасига пахтачиликни янада ривожлантириш учун янги ерларни ўзлаштириш вазифаси юкланди. Кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга доир бир қатор ишлар амалга оширилиб, янги посёлкалар бунёд этилди, кўчиб келганлар уй-жойлар билан таъминлана бошланди. Бироқ, Мирзачўлнинг мураккаб иқлим шароити ва маҳаллий аҳоли менталитети ҳисобга олинмасдан шашма-шошарлик билан қурилган турар-жойларнинг талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли ижтимоий муаммолар авж олди ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилмади.

СССР ҳукумати бошқарувининг сўнгги йилларида иттифоқ миқёсида миллий зиддиятлар билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий бўҳронларнинг ҳам кучайиб бориши Мирзачўлда яшаган аҳолини ҳам четлаб ўтмади. “Жиззах халқи советлар даврида собиқ Марказ томонидан ўйлаб чиқарилган “пахта иши”, “ўзбеклар иши”, “рашидовчилик” деган тухмат ва маломатларга дуч келганини ва буларнинг барчаси оддий, бегуноҳ одамлар елкасига оғир юк бўлиб тушганини бугун ҳам изтироб билан эслаймиз. Айниқса, Ўзбекистонни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқарган, юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юқтирмасдан ўтган камтарин ва донишманд давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг шахсига нисбатан турли бўҳтонлар уюштирилганида ҳам бундай ноҳақликдан юрак-бағри эзилган, лекин унга бош эгмаган Жиззах элининг сабр-бардоши ва матонати олдида таъзим қилсак, арзийди”<sup>60</sup>.

Аҳолининг кўчиши масаласи мураккаб жараён бўлиб, инсоният қадимги даврлардан бошлаб ўзининг яшаш жойи ва турмуш шароитини яхшилаб олиш учун қулай жой қидириб, бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчишга ҳаракат қилиб келган. Кўчиш (лотинча migration – кўчиш, жойини ўзгартириш) бирор фуқаро, оила ёки жамоанинг бир жойдан иккинчи бир

<sup>59</sup>ЎзРМДА, 314 – фонд, 1 – рўйхат, 415 – йиғма жилд, 10 – varaқ.

<sup>60</sup>Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 343 бет.

жойга кўчиб ўтишини ифодалаб, у эркин ва ихтиёрийлик тамойилига асосланган бўлади. Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши жараёни доимий ва мавсумий характерга эга бўлиб, бир мамлакат ичида ва бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга кўчиш орқали амалга оширилиши мумкин. “Кўчириш” тушунчаси унда аҳолининг муайян қисмини давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унда кўчирилган аҳоли муайян ишлаб чиқариш усули ва муносабатларини ҳаракатга келтирувчи ва тўлдирувчи куч сифатида намоён бўлиб, унинг асосий сабабларидан бири, илгари стихияли тарзда жойлашган ишчи кучлари ва меҳнат ресурсларини ҳудудий жиҳатдан қайта тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш кучлари мутаносиблигини сақлаш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 15 апрелда қабул қилинган “Мирзачўл ерларини янада ишга солиш тадбирлари тўғрисида” ги қарорида янги ташкил этилаётган хўжаликларни ишчи кучи ва малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор янада кучайтирилди. Шу мақсадда, республикамизнинг тоғли ва пахтачилик билан шуғулланмайдиган ҳудудларидан кўпроқ аҳоли жалб қилинган. Жумладан, 1948 йили Тошкент вилоятининг Паркент туманидан Мирзачўл ва Бўка районларига 250 хўжалик кўчирилди<sup>61</sup>. Тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ўз самарасини бера бошлади. Масалан, биргина Самарқанд вилоятининг Бахмал қишлоғидан бир гуруҳ кишилар Сирдарё вилоятининг Боёвут совхозига биринчилардан бўлиб кўчиб келишди. Улар ўзлари кўчиб келган совхоз ерларининг тузилиши, экин майдонлари, аҳолининг жойлашуви ва бошқа хусусиятларига қараб “Кийик тепа”, “Каноғ”, “Дарвоза қир”, “Қозоқ овул” деган номлар билан аташган. Бу ерга Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва бошқа вилоятлардан кўчиб келувчиларнинг сони кўпайиб борган. Улар Кийиктепани текислатиб, ўрнида пахтазор, мевали боғлар бунёд қилишган. 1952 йилда ҳозирги Боёвут 2 совхози ташкил этилди. Орадан 5 йил ўтгач бу совхозга вилоятлардан кўчиб келганлар сони 2 мингга етди. Шу йилларда бу хўжаликка Усмон Юсупов раҳбарлик қилди<sup>62</sup>. Шунинг учун бугунги кунда ҳам Мирзачўлда ташкил этилган посёлкаларда кўчиб келган жойи номи кўпида сақлаб қолинган. Масалан, Андижон совхози, самарқандликлар,

<sup>61</sup>Одилхонов О. Паркент. – Тошкент, 1989. – 46 бет.

<sup>62</sup>Убайдуллаев О. Мукофот чорлайди. //Меҳнат ва турмуш, 1971, №12. 4-бет.

форишликлар маҳалласи ва бошқа.

1953 йил охирларидан КПСС МК биринчи котиби ва айна пайтда СССР Министрлар Совети раиси лавозимида ишлаган, объектив сиёсий ва иқтисодий қонуниятлар билан ҳисоблашмасдан волонтаристик сиёсат олиб борган Н.С. Хрушчев кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни амалга ошириш масалалари бўйича қуйидаги йўриқларини баён этди: кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳаётий зарур ишдир. Бундан кейин ҳам янги ерларни ўзлаштириб давлат оборотига киритиш катта иқтисодий фойда келтиради. Лекин ерни ҳайдаб экин экиш энг қийини эмас, бу ерда аҳоли сонини кўпайтириш керак, шундагина кўриқ ерларни ўзлаштириш мумкин<sup>63</sup>. Кўриш мумкинки, вазият қандай бўлмасин, янги ерларда аҳоли сонини кўпайтириш доимо давлатнинг диққат марказида бўлган.

Ҳукумат кўчириш сиёсатини амалга ошириш жараёнида аҳолини илгари ўзлари мослашган турмуш тарзини ўзгартириб, белгиланган тартиб асосида меҳнат қилиши, жамоатчиликка мослашган ҳолда турмуш кечиришга кўникишларига кўмаклашиш чораларини ҳам кўра бошлади. Жумладан, Ўзбекистоннинг янги ўзлаштирилаётган ерларига кўчиб келиб, колхоз ва совхозларда меҳнат қилаётган оилалар беш йилгача қишлоқ хўжалиги солиғидан озод қилиндилар. Шу ва шунга ўхшаш имтиёзлар туфайли янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчиб кетаётган оилаларнинг сони кўпайди, фақат 1966 йилнинг ўзида мамлакатимизда қарийб 37 минг оила кўриқ ва бўз ерларга кўчиб ўтди<sup>64</sup>. Демак аҳолини кўчиришда, моддий қизиқтириш ҳам анча самара берганлигини кўришимиз мумкин.

1947 йилда Ўзбекистоннинг янги ташкил этилган пахтачилик ва ғаллачилик совхозларига 1863 та оила, 1950 – 1952 йиллар мабойнида 3986 оила кўчиб келди. Бироқ янги ўзлаштирилаётган бу ҳудудларда уй-жой қурилиши ва мутахассислар билан таъминлаш суръатлари талаб даражасидан анча орқада қолаётган эди<sup>65</sup>.

Тадқиқот материаллари шундан далолат берадики, урушдан кейинги йилларда янги ташкил топаётган совхозларнинг ишчи ва ходимлари уй-жой билан таъминлаш масаласида катта қийинчиликларга дуч келишди. Аввало аҳоли кўчирилиши режа асосида олиб борилмаганлиги туфайли янги қуриб

<sup>63</sup>Хрушчев Н.С. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланайлик. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1959 йил Декабрь пленумида сўзлаган нутқи, – Тошкент, 1960. – 37 бет.

<sup>64</sup>Муллажонови.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Тошкент, 1967. – 6 бет.

<sup>65</sup>Турсунов С. Қишлоқ аҳолисини уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш муаммолари. – Тошкент, 1994. – 13 бет.

битказилган уй-жойларга нисбатан кўчиб келаётганлар сони бир неча баробар кўп эди. Уй-жойлар қурилишининг чўзилишига қурилиш материалларини етказиб беришда мунтазам узилишлар сабаб бўлган. Бундан ташқари, шошилиш суратда қурилган уйлар тезда таъмирлашга муҳтож бўлиб қолган. “1950 йилда совхозлар ишчилари уй-жой майдони билан бор-йўғи 43% таъминланган эди”<sup>66</sup>. Кўпгина совхозларнинг ишчилари уй-жой етишмаганлиги сабабли ертўлаларда ёки чайлаларда яшашга мажбур бўлган.

Катта орзу-умидлар билан янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчиб келганлар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада давлатнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлган кўплаб харажатлари қопланибгина қолмасдан, балки давлатга 18 млрд сўм соф даромад келтирилди. Бундан ташқари 1949 –53 йилларда ўрта ҳисобда 300 млрд. сўмлик, 1954 – 58 йилларда эса 400 млрд. сўмдан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланди<sup>67</sup>.

Мирзачўлга аҳолининг кўчирилиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётини яхшилаш бўйича амалга оширилган чоратadbирларни илмий тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, бу сиёсат қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир этган ҳодиса бўлиб, у нафақат аҳолининг географик жойлашувига, балки айрим ҳудудларнинг миллий таркиби ва аҳолисининг ижтимоий ва демографик ўзгаришига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши ва янги ерларнинг қишлоқ хўжалиги истеъмолига киритилиши кўп жиҳатдан бу ерларга кўчирилган аҳолининг фидокорона меҳнатлари туфайли амалга ошди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Мирзачўлга аҳолини кўчириш ҳаракати оммавий тус олган бўлса-да, бу ҳаракат ҳар доим ҳам режа асосида олиб борилмади. Аввало Марказ томонидан Ўзбекистонда олиб борилган махсус ички кўчириш сиёсати жараёнида юртдошларимизнинг юзлаб йиллар давомида яшаб келган жойи, киндик қони тўкилган макони ва қариндош-уруғларидан узоқда яшашга кўникишлари учун зарур шароит яратилмади. Биринчидан, уй-жой ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший объектлар қурилишининг суръатлари янги ерларни ўзлаштириш суръатларидан орқада қолди; иккинчидан, шошма-шошарлик билан

<sup>66</sup>Ўша жойда – 10 бет.

<sup>67</sup>Қориев М. Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи – совет давлати қудратининг асоси. Юридик фан. номзоди дисс. – Тошкент, 1960. – 88 бет.



фойдаланишга топширилган уй-жойлар кўчиб келаётган оилаларни қабул қилиш ва жойлаштириш учун етарли даражада бўлмади; учинчидан, чўл шароити ва маҳаллий аҳоли менталитети ҳисобга олинмасдан қурилган бундай уйлар уларнинг талаблари ва эҳтиёжларига жавоб бермай, кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарди; тўртинчидан, қишлоқ советлари ва хўжаликларнинг кадрлар бўлимлари томонидан кўчириб келтирилган аҳолини мунтазам суратда ҳисобга олиш ва расмийлаштириш ишлари талаб даражасида ташкил этилмади. Булардан ташқари янги кўчириб келтирилган аҳоли ўзлари учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш йўллари ҳам яхши билмаганликлари туфайли бу масалалар ҳам орқага сурилган. Натижада, кўчиб келганларнинг бир қисми ўз юртларига қайтиб кетишган. шунини айтиш керакки, янги ўзлаштирилган ҳудудлар шароитини билмасдан турли ваъдаларга ишониб кўчиб келган мутахассис кадрларда давлат ва партияга нисбатан ишончсизлик руҳининг кучайишига сабаб бўлди. Тадқиқ этилаётган даврда Мирзачўлни ўзлаштириш учун кўчиб келган аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш борасида қилинган ишларни ҳозирги пайтда мамлакатимизда “Обод қишлоқ” дастури асосида амалга оширилаётган ишлар билан таққослаганда, чўлда яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаёти қандай аҳволда бўлганлигини англаш қийин эмас.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. ЎзРМДА, 314 - фонд, 1 - рўйхат, 415 - йиғма жилд, 10 - варақ.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 343 бет.
3. Одилонов О. Паркент. - Тошкент, 1989. - 46 бет.
4. Убайдуллаев О. Мукофот чорлайди. // Мехнат ва турмуш, 1971, №12. 4-бет.
5. Хрущёв Н.С. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланайлик. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1959 йил Декабрь пленумида сўзлаган нутқи, - Тошкент, 1960. - 37 бет.
6. Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. - Тошкент, 1967. - 6 бет.
7. Турсунов С. Қишлоқ аҳолисини уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш муаммолари. - Тошкент, 1994. - 13 бет.

8. Ўша муаллиф. – 10 бет.

9. Қориев М. Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи – совет давлати қудратининг асоси. Юридик фан. номзоди дисс. – Тошкент, 1960. – 88 бет.